БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

13 йил чиқиши
№ 76 (3304).
17 апрель
ЯКШАНБА
1966 йил
Баҳоси 2 тийин.

*Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Бутун куч-ғайратингизни КПСС XXIII съездининг қарорларини амалга оширишга, беш йиллик планни бажаришга сафарбар қилингиз!*

*Мамлакатимизда коммунизм тантанаси учун курашда янги ғалабалар сари, олға!*

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1966 ЙИЛ 1 МАЙ ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни, барча мамлакатлар ишчиларининг бирлик ва қардошлик куни — 1 Май!

2. Яшасин бутун дунё ишчилар синфи! Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

3. Яшасин абадий барҳаёт ҳамиша ғолиб революцион таълимот — марксизм-ленинизм!

4. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Бутун куч-ғайратингизни КПСС XXIII съездининг қарорларини амалга оширишга, беш йиллик планни бажаришга сафарбар қилингиз!

Мамлакатимизда коммунизм тантанаси учун курашда янги ғалабалар сари, олға!

5. Ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг жанговар авангарди — қардош коммунистик ва ишчи партияларга оташин салом!

6. Яшасин халқаро коммунистик ҳаракатнинг марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми, Москва кенгашлари Декларацияси ва Баёноти асосидаги бирлиги ва жипслиги!

7. Социализм мамлакатларининг халқлари, миллий озодлик курашини олиб бораётган халқлар, бутун дунё меҳнаткашлари! Империализм ва мустамлакачиликка қарши, миллий озодлик учун, тинчлик, демократия ва социализм учун курашда кучларингизни бирлаштирингиз!

8. Барча мамлакатларнинг халқлари! Уруш олови ёқувчи империалистларнинг кирдикорларини фош қилингиз! Қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ядро қуролини тақиқлаш, ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун, бутун дунёда тинчлик учун курашни кучайтирингиз!

9. Жаҳон халқлари! Америка империализмининг Вьетнамдаги ҳарбий интервенциясини тўхтатиш учун курашингиз, АҚШ қуролли кучларини Жанубий Вьетнамдан дарҳол олиб чиқиб кетишини, Вьетнам халқига ўз ишларини ўзи ҳал этиш имконияти берилишини талаб қилингиз!

Қаҳрамон Вьетнам халқи билан халқаро бирдамлик кенгайиб, мустаҳкамланаверсин!

10. Европада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида Европа давлатлари халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

11. Жаҳон халқлари! Империалистларнинг НАТО кўп томонли ядро кучларини вужудга келтириш планларига қарши, Ғарбий Германия реваншчиларини ядро қуролига яқин келтиришга қарши курашингиз!

12. Барча мамлакатларнинг халқлари! Ғарбий Германиядаги реваншчи ва милитарист кучларни жиловлаш учун, нацист ҳарбий жиноятчиларни қаттиқ жазолаш, герман сулҳ шартномаси тузилиши учун курашингиз!

13. Яшасин халқаро ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг буюк ғалабаси — жаҳон социалистик системаси!

Барча социализм мамлакатлари халқларининг жипслиги, қардошларча дўстлиги ва бирлиги мустаҳкамланаверсин!

14. Социализм қураётган Болгария Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва болгар халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

15. Социализм қураётган Венгрия Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва венгер халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

16. Социализм қураётган ва Америка агрессорларига қарши, ўз мамлакатини демократик асосларда тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган Вьетнам Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва вьетнам халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

17. Социализм қураётган Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

18. Социализм қураётган Хитой Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин Совет Иттифоқи ва Хитой улуғ халқларининг империализмга ва мустамлакачиликка қарши, тинчлик, демократия, социализм ва коммунизм учун курашдаги жипслиги!

19. Социализм қураётган, ўз мамлакатини демократик асосларда тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган Корея Халқ Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва корейс халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

20. Социализм қураётган қаҳрамон Куба халқига қардошлик саломи! Яшасин совет ва куба халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

21. Социализм қураётган Монголия Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва монгол халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

22. Социализм қураётган Польша Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва поляк халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

23. Социализм қураётган Руминия Социалистик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва румин халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

24. Социализм қураётган Чехословакия Социалистик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва чехословак халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

25. Социализм қураётган Албания Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Совет ва албан халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик учун!

26. Социализм қураётган Югославия Социалистик Федератив Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва югослав халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

27. Мустақил, миллий, демократик давлат қураётган, ўз мамлакатининг социалистик тараққиёти учун курашаётган Бирлашган Араб Республикаси халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Бирлашган Араб Республикаси халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

28. Мустақил миллий давлатни барпо қилаётган, ўз мамлакатининг социал тараққиёти учун курашаётган қаҳрамон Жазоир халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Жазоир Халқ Демократик Республикаси халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

29. Демократик давлат учун, ўз мамлакатининг социал тараққиёти учун курашаётган Сурия Араб Республикаси халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Сурия Араб Республикаси халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

30. Мустақил, демократик давлат учун, ўз мамлакатининг социал тараққиёти учун курашаётган Бирма халқларига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Бирма халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

31. Мустақил, миллий, демократик давлатлар барпо қилаётган, ўз мамлакатларининг социал тараққиёти учун курашаётган Гвинея, Конго (Браззавиль) ва Мали халқларига қизғин салом! Совет Иттифоқи халқлари билан Гвинея, Конго ҳамда Мали халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

32. Улуғ ҳинд халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

33. Покистон халқига қизғин салом! Покистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона, яхши қўшничилик муносабатлари ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

34. Индонезия халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Индонезия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

35. Халққа қарши сотқин режимга ва Америка империализмининг қуролли интервенциясига қарши, озодлик ва миллий мустақиллик учун, ўз ватанини демократик асосларда бирлаштириш учун қаҳрамонона кураш олиб бораётган Жанубий Вьетнамнинг мард халқига қизғин салом!

36. Америка қўшинларини чиқариб юбориш учун, ўз ватанини тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган Жанубий Кореянинг мард халқига қизғин салом!

37. Тинчлик ва ўз мамлакатларининг миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун кураш олиб бораётган Камбоджа, Лаос, Непал ва Цейлон халқларига қизғин салом!

38. Афғон халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги дўстона, яхши қўшничилик муносабатлари мустаҳкамланиб, ривожланаверсин!

39. Мустамлакачиликни тамомила тугатиш, ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва социал тараққиёт учун курашаётган араб мамлакатлари халқларига қизғин салом!

40. Империализмга қарши, озодлик ва мустақиллик учун қаҳрамонона курашаётган Жанубий Арабистон халқларига қизғин салом!

41. Мустамлакачилик ва империализмга қарши, ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун, миллий экономика ва маданиятни ривожлантириш учун курашаётган Африка давлатлари халқларига қизғин салом!

42. Империализм ва ирқчиликка қарши, озодлик ва мустақиллик учун қаҳрамонона курашаётган Ангола, Мозамбик, «португал» Гвинеяси, Жанубий Родезия ва Жанубий Африка халқларига қизғин салом!

43. Империализмга қарши, ўз мамлакатларининг тўла мустақиллиги учун курашаётган Латин Америкаси халқларига қизғин салом!

44. Франция халқига дўстона салом! Умумий тинчлик ва Европа хавфсизлиги манфаатлари йўлида совет ва француз халқларининг традицион дўстлиги мустаҳкамланиб, ривожланаверсин!

45. Буюк Британия халқига дўстона салом! Европанинг тинч ривожланиши ва бутун дунёда тинчликни таъминлаш манфаатлари йўлида, уруш хавфига қарши курашда Буюк Британия ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги ҳамкорлик ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

46. Америка халқига дўстона салом! Жаҳон урушининг олдини олиб, тинчликни сақлаш мақсадида Америка Қўшма Штатлари ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги ҳамкорлик кенгаяверсин!

47. Совет халқи билан Италия ва Греция халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

48. Совет халқи билан Эрон ва Туркия халқлари ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатлари ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

49. Германия Федератив Республикасининг милитаризмга ва фашизмнинг тикланишига қарши курашаётган меҳнаткашларига ва барча прогрессив кучларига қизғин салом!

50. Фашист диктатурасини тугатиш ва демократик тузум барпо қилиш учун курашаётган қаҳрамон испан халқига қизғин салом!

51. Озодлик учун, фашист режимига қарши мардона кураш олиб бораётган Португалия халқига қизғин салом!

52. Яшасин Совет Иттифоқи, Австрия ва Швеция халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик!

53. Финляндия халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Финляндия Республикаси халқлари ўртасидаги дўстона, яхши қўшничилик муносабатлари мустаҳкамланиб, ривожланаверсин!

54. Совет халқи билан Бельгия, Голландия, Дания, Исландия, Норвегия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

55. Ўз мамлакатининг тўла мустақиллиги учун, Америка ҳарбий базаларига қарши кураш олиб бораётган япон халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Япония халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

56. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсати!

57. Совет жангчилари! Совет Армияси ва Флотининг қаҳрамонлик традицияларини муқаддас билиб сақлангиз ва кўпайтирингиз, жанговар ва сиёсий ўқишда янгидан-янги муваффақиятларга эришингиз, ҳарбий интизомни мустаҳкамлангиз, ҳар қандай агрессорни тор-мор келтиришга доим шай бўлиб турингиз!

Яшасин ғалабалар билан шуҳрат қозонган шавкатли Совет Қуролли Кучлари!

58. Ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқи — совет социалистик давлатининг бузилмас негизи мустаҳкамланиб, яшнайверсин!

59. СССР халқларининг бузилмас бирлиги ва қардошларча дўстлиги ҳамиша яшасин ва яшнайверсин!

60. Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш учун курашаётган коллективлар ва зарбдорларга шон-шарафлар! Ишлаб чиқаришнинг барча илғорлари ва новаторларига шон-шарафлар!

61. Саноат ва транспорт ходимлари! КПСС XXIII съездининг қарорларини, беш йиллик планнинг социалистик саноат ва транспортни янада ривожлантириш юзасидан топшириқларини муваффақиятли амалга ошириш учун курашингиз!

62. Саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари! Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширингиз, капитал маблағлардан ва асосий фондлардан яхши фойдаланингиз, янги қувватларни тезроқ ўзлаштирингиз!

63. Саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари! Технология ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлангиз, хўжалик ҳисобини ривожлантирингиз, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини оширингиз!

64. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнат унумдорлигини оширингиз, маҳсулотнинг таннархини камайтирингиз, сифатини яхшилаш учун курашингиз!

65. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Моддий ресурслар ва давлат маблағларини тежаб-тергаб сарфлашга эришингиз! Хўжасизликка, ортиқча харажатларга ва исрофгарчиликка қарши курашингиз!

66. Саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари! Комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришни амалга оширингиз, фан, техника ютуқларини ва илғор тажрибани ишлаб чиқаришга қунт билан жорий қилингиз! Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш методларидан кенг фойдаланингиз!

67. Совет металлурглари ва кончилари! Руда қазиб чиқаришни, чўян, пўлат, прокат, қувурлар, рангли ва нодир металлар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз! Металнинг сифатини яхшилангиз!

68. Совет энергетиклари, электр станциялари ва электр шохобчаларининг қурувчилари ҳамда монтажчилари! Энергетикани илдам суръатлар билан ривожлантиришни таъминлангиз, энергетика системаларини қуриш ва ишлатиш қимматини камайтирингиз!

69. Машинасозлик ва приборсозлик саноати ходимлари! Халқ хўжалигини энг янги, тежамли ва мустаҳкам машиналар, приборлар, механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари билан таъминлангиз!

70. Кўмир саноатининг ходимлари! Кўмир қазиб чиқаришни кўпайтирингиз, унинг таннархини камайтирингиз! Кончилик техникасидан яхшироқ фойдаланингиз!

71. Нефть ва газ саноатининг ходимлари! Нефть ва газ чиқаришни кўпайтирингиз! Янги нефть ва газ конларини тезликда ўзлаштирингиз!

72. Химия саноатининг ходимлари! Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш учун химиявий маҳсулотлар чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш учун курашингиз! Қишлоқ хўжалиги учун кўпроқ минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини берингиз!

73. Совет геологлари! Ватанимизнинг битмас-туганмас ер ости бойликларини тезроқ очиб берингиз!

74. Совет бинокорлари, бинокорлик материаллари саноатининг ходимлари! Янги беш йилликда қурилиш ишларининг КПСС XXIII съезди белгилаб берган программасини муваффақиятли бажарайлик!

75. Совет бинокорлари! Қурилиш суръатларини оширингиз, қурилишнинг сифатини яхшилангиз ва қимматини пасайтирингиз! Шаҳар ва қишлоқларда ишлаб чиқариш, уй-жой, коммунал ва маданий-маиший объектларни тезроқ фойдаланишга топширингиз!

76. Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати ходимлари! Мамлакатга юқори сифатли ёғоч, мебель, целлюлоза ва қоғозни кўпроқ берайлик!

77. Енгил саноат, озиқ-овқат, гўшт-сут саноати ходимлари! Халқ истеъмол қиладиган товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз, хилларини яхшилангиз, сифатини оширингиз!

78. Балиқ саноати ходимлари! Балиқ овлашни кўпайтирингиз, маҳсулотлар сифатини яхшилангиз ва таннархини камайтирингиз!

79. Транспорт ходимлари! Транспортни замонавий техника воситалари билан таъминлангиз! Пассажирларга яхшироқ хизмат кўрсатингиз! Юкларни элтиб бериш муддатларини қисқартирингиз, юк ташиш таннархини камайтирингиз!

80. Алоқа ходимлари! Алоқа воситаларини ривожлантирингиз ва такомиллаштирингиз! Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилангиз!

81. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Янги беш йилликда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан КПСС XXIII съезди белгилаган вазифаларни амалга ошириш учун қунт билан кураш олиб борингиз!

82. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари! Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулдорлигини оширингиз! Фан ютуқлари ва илғор тажрибани ишлаб чиқаришга жорий қилингиз, ҳар бир колхоз ва совхознинг рентабел ишлашига эришингиз!

83. Колхозчилар ва совхоз ходимлари! Деҳқончиликнинг юксак маданияти учун курашингиз, тупроқнинг унумдорлигини бутун чоралар билан оширингиз, ернинг ҳар гектаридан юқори ҳосил олингиз!

84. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари! Кўкламги экишни намунали ўтказиш учун мусобақани кенг авж олдирингиз!

85. Колхоз ва совхозларнинг механизаторлари! Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш учун курашингиз! Техникани яхши ўрганингиз, ундан унумли фойдаланингиз ва уни авайлаб сақлангиз!

86. Саноат ва қишлоқ хўжалик ходимлари! Совет халқининг фаровонлигини оширишнинг катта программасини белгилаб берган КПСС XXIII съезди қарорларининг бажарилиши сизларнинг фидокорона меҳнатингизга боғлиқдир. Совет экономикасини ривожлантириш планларини муваффақиятли бажариш учун курашингиз!

87. Давлат ва кооператив савдоси ходимлари! Савдо ва умумий овқатланишни такомиллаштирингиз, аҳолига яхши хизмат кўрсатингиз!

88. Маиший хизмат кўрсатувчи ходимлар! Совет кишиларига хизмат кўрсатишни бутун чоралар билан яхшилангиз, уларнинг талабларини тўлароқ қондирингиз!

89. Совет муассасаларининг ходимлари! Меҳнаткашларнинг эҳтиёж ва талабларига сезгирлик билан қарангиз, бюрократизмни ва сансалорликни бутунлай йўқотингиз!

90. Халқ контроли ходимлари ва активлари! Меҳнаткашларни контрол ишига кенг ва актив жалб этингиз, давлат интизомини мустаҳкамлаш учун курашингиз!

91. Фан ва олий ўқув юртларининг ходимлари! Фанни янада равнақ топтириш учун, техникани тараққий эттириш учун курашингиз! Коммунизм даврига муносиб мутахассислар тайёрлаб берингиз!

Илғор совет фанига шон-шарафлар!

92. Космик фазони ўзлаштиришда янги имкониятлар очиб берган совет олимлари, конструкторлари, инженерлари, техниклари ва ишчиларига шон-шарафлар!

Шавкатли совет космонавтларига шон-шарафлар!

93. Маданият ходимлари! Социалистик маданиятни янада ривожлантириш, унинг моддий базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш соҳасида муҳим вазифаларни қўйган КПСС XXIII съездининг қарорларини бажариш учун курашингиз! Совет кишиларига маданий хизмат кўрсатишни бутун чоралар билан яхшилангиз!

94. Адабиёт ва санъат арбоблари! Асарларнинг партиявийлиги ва халқчиллиги, юксак ғоявийлиги ва бадиий маҳорати учун курашингиз! Совет халқи қаҳрамонона ишларининг улуғворлиги ва гўзаллигини, унинг оташин ватанпарварлигини, коммунистик идеаллар ғалабаси учун олиб бораётган курашини ёрқин акс эттирингиз!

95. Маориф ходимлари! Халқ маорифини такомиллаштирингиз, ёш авлодни меҳнатсеварлик, коллективчилик руҳида, коммунизм ишига садоқат руҳида тарбиялангиз!

96. Медицина ходимлари! Совет кишисининг саломатлиги учун курашингиз! Медицина фанининг энг янги муваффақиятларини практикага жорий қилингиз!

97. Яшасин бизнинг социалистик давлатимиз! Совет демократияси ривожланиб, мустаҳкамланаверсин, мамлакат ишларини бошқаришда меҳнаткашларнинг активлиги ўсаверсин!

98. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Сайлов кампаниясида актив қатнашингиз! СССР Олий Совети сайловини КПСС XXIII съездининг қарорларини бажариш учун кураш шиори остида ўтказайлик!

99. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ишчилар, колхозчиларнинг, совет интеллигенциясининг энг яхши вакилларини — коммунистик жамиятнинг муносиб қурувчиларини СССР Олий Советига депутат қилиб сайлайлик!

Коммунистлар билан партиясизларнинг турмуш синовидан ўтган блоки яшасин ва мустаҳкамлансин!

100. Яшасин коммунизм мактаби — совет касаба союзлари!

101. Яшасин коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари — совет хотин-қизлари!

Болаларнинг мураббийси, турмушда ва ишлаб чиқаришда толмас меҳнаткаш оналарга шон-шарафлар!

102. Меҳнат ва уруш ветеранлари! Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, ёшларни совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат традициялари руҳида тарбиялашда актив қатнашингиз!

103. Яшасин Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси ва резерви — Ленин комсомоли!

104. Йигит ва қизлар! Билимларни қунт билан эгаллангиз, коммунистларча ишлаш ва яшашни ўрганингиз!

Яшасин шонли совет ёшлари!

105. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари! Яхши ўқингиз, меҳнатни севингиз ва ҳурмат қилингиз! Ленин иши учун, коммунизм учун актив курашчилар бўлишга тайёрланингиз!

106. Коммунистлар! КПСС XXIII съезди қарорларини бажариш, СССРда коммунизм қуриш учун курашнинг олдинги сафида бўлингиз!

107. Коммунизмнинг шавкатли қурувчиси, ер юзида озодлик, тинчлик ҳамда барча кишиларнинг бахт-саодати учун мард курашчи — Улуғ совет халқига шон-шарафлар!

108. Яшасин партия билан халқнинг бузилмас буюк бирлиги!

109. Яшасин Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

110. Яшасин жонажон Совет ҳукуматимиз!

111. Яшасин Ленин тузган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

***СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ***

